



## САҲИФАЛАРДА:



**Жиноятлар қандай очилади?**

4-с.



**Ишим бир ҳафтада ҳал бўлди**

5-с.



**Адлия вазирлиги очқлик ва шаффофликка қандай эришди?**

6-с.



**Автомобиллар қандай экспертиза қилинади?**

7-с.

## АДЛИЯ ВА ЁШЛАР

Адлия вазири:

**“Қонун — жамиятнинг виждони.  
Нима тўғри, нима нотўғри  
эканлиги қонунларда ёзилади”**



Адлия вазирлиги янги ташаббусни илгари сурди. Вазирликда Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорликда ҳуқуқий соҳада таҳсил олувчи ҳамда адлия соҳасига қизиқувчи, таклиф ва ташаббусга эга бўлган ёшларни жалб этган ҳолда “Адлия ва ёшлар” номли учрашув ўтказилди.

Ёшлик — инсоннинг шижоатга, куч-ғайратга, иштиёқ ва ишончга тўла бўлган ўзига хос даврдир. Бу даврни сермазмун ўтказиш, ҳар бир сониядан унумли фойдаланиш келгуси фаолиятимизга қўйилган сармомиздир. Гувоҳи бўлаётганимиздек, бугунги илоҳотларда ёшларнинг ўз ўрни бор, уларнинг креатив ёндашувлари, ғоялари муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолининг 53,7 фоизини ёшлар таш-

кил этади. Улар мамлакатимизнинг бойлиги, эртанги кунидир. Уларни ўз вақтида ҳаётга тўғри йўналтириш, қизиқишларини инobatга олиш, улар билан ҳисоблашиш, зарур шарт-шароит яратиш катта авлод вакилларининг бурчидир.

Хабарингиз бор, адлия тизимида, хусусан, Тошкент давлат юридик университети, юридик коллежларда жуда кўплаб ёшлар таҳсил олади. Шу билан бирга тизимда иқтидорли ёшлар жуда кўпчиликини ташкил қилади.

Учрашувни ўтказишдан мақсад ёшларни қўйнаётган масалалар ҳақида очиқ-ойдин суҳбатлашиш бўлди. Шу билан бирга ёшларга қонун устуворлиги нима, ҳуқуқ ва мажбуриятлар нега керак, қонунларга амал қилиш нима беради каби саволларга шахсан Адлия вазири томонидан жавоб берили-

ши қизгинлик бағишлади. Адлия вазири Русланбек Давлетов қонун ва қонун устуворлигига шундай таъриф берди: “Давлатни қонунлар кўринмас ип сингари боғлаб туради. Ҳар ким ўз мажбуриятини тўғри бажарса, у ерда қонунбузилиш бўлмайди. Қонун жамиятнинг виждони. Нима тўғри, нима нотўғри эканлиги қонунларда ёзилади”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Алишер Саъдуллаев қонунни светофорга ўхшатишини, агарда чор-раҳада светофор бўлмаса, ҳаракатланиш қандай тартибсиз ва ўзбошимчиликка асосланса, қонунларсиз жамият ҳам шундай ҳолатга келишини таъкидлади.

Учрашув савол-жавобларга уланиб кетди. Ёшлар китоб ва китобхонликка муносабат, ота-онанинг фарзанд келажига таъсири, гендер тенглиги масаласи, хусусан, адлия тизимида аёл ходимларнинг тутган ўрнига оид саволларга жавоб олдилар шунингдек, ёшлар борасида вазирнинг муҳим тавсиялари, хусусан, самосудга муносабат, европаликларга хос бўлган одатлардан воз кечиш, миллийликка асосланган тўйлар ўтказиш кераклигига оид таклифлар ҳам билдирилди.

Шунингдек, Адлия вазирининг “Ҳуқуқий нигилизм нима?”, “Темур тузуқлари”нинг моҳияти ва аҳамияти қандай?, “Хабеас корпус нима?”, Ўзбекистон тарихига оид саволларга ёшлар тезкорлик билан аниқ жавоб беришди. Тадбирда фаол иштирок этган ёшлар вазирлиқнинг махсус эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Вазирлик тарихи, бугунги кундаги фаолияти ва истиқболдаги режалари тўғрисидаги тақдиротлар, видеоорликлар ва Адлия органлари тарихи музейига ташриф орқали ёшлар адлия органлари тўғрисида янада аниқ тасаввур ҳосил қилишди.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ** рамзи, миллатимиз шаъни ва фахру ифтихори саналган она тилимизнинг ўлтиз йиллик санасини ҳар қачонгидан ҳам кўра, кўтаринки руҳ билан нишонладик. Очиғи, кўксимизни тоғдек кўтарган, бошимизни осмонга етказган сабаблардан бири Президентимиз томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинган қўлтуғ санана бағишлаб ўтказилган тантананада 21 октябрь кунини “Ўзбек тили байрами кунини” деб эълон қилиниши бўлди. Халқимиз узоқ кутган бу хушxabар чексиз қувонч, шукроналик билан кутиб олинди. Юртбошимизнинг нуфузли хорижий давлат арбоблари ва меҳмонлари иштирок этган мазкур анжуманда: “Кимда ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини билмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қўлоқ тутсин”, дея баралла айтган сўзлари миллий ғуруримизни янада ошириб, неча минг йиллик кадрларимизни қалбимизга янада чуқурроқ жойлади.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон бу ёруғ дунёда кўз очиб, эштадиган энг ширин, энг эзгу калом она алласи ўз тилимизда янграйди. Шу тил орқали ҳаётини зарур бўлган билим ва тушунчалар онгу шууримизга сингади, инсоний фазилатлар, одоб-ахлоқ меъёрлари, тафаккуримиз тил воситасида шаклланади, жонланади.

**ТИЛИНИ  
ҲИМОЯ  
ҚИЛГАН ЎЗ  
ВАТАНИНИ  
ҲИМОЯ  
ҚИЛАДИ**

3-с.

# САЙЛОВ 2019

**ШУ йил 24 октябрда Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжумани сайлов қонунчилиги, сайлов жараёнларига тайёргарлик масалаларига бағишланди. Тадбирда асосий эътибор бу йилги сайловларнинг фарқли жиҳатлари ва Сайлов кодекси билан киритилган янги нормалар сайлов жараёнларига қай тариқа татбиқ этилаётганлигига қаратилди.**



**Шерзод РАБИЕВ,**  
Адлия вазирлиги “Хуқуқий тарғибот ва маърифат”  
бошқармаси бошлиғи:

## “САЙЛОВ КОДЕКСИГА МУВОФИҚ ЎТКАЗИЛАДИ”

— Бу йилги сайлов жараёнлари билан боғлиқ тартиблар, сайлов қонунчилиги, янги қабул қилинган сайлов кодекси, ундаги муҳим ўзгаришлар ва афзалликлар ҳар бир ходимга, қолаверса, аҳолига кенг қамровли тушунтирилиши лозим. Уйлайманки, бу жараёнда ҳар биримиз фаол бўлишимиз, ҳеч ким четда турмаслиги керак. Ўзига хос аҳамияти шундаки, бу йилги сайловлар ўтган йиллардагидан фарқли равишда ихчамлаштирилган, бир неча қонун ҳужжатларини ўз ичига олган 103 моддадан иборат Сайлов кодекси мувофиқ ўтказилади. Бу биринчи марта. Хабарингиз бор, шу йил 25 июнда сайлов қонунчилигига оид бир қатор ҳужжатлар консалидация қилиниб, Сайлов кодекси шаклида қабул қилинди ва Президентимиз томонидан Сайлов кодекси имзоланган эди. Аҳамиятли томони шундаки, мазкур ҳужжатда сайловга тайёргарлик кўриш, сайловни ўтказиш, овоз бериш билан боғлиқ қатор ўзгаришлар ушбу кодексдан ўрин олди. Шу муносабат билан айтиб ўтишим керак, сайловга тайёргарлик кўриш жараёнида барча сайлов округлари, участка сайлов комиссиялари аъзоллигига номзодлар уч кунлик махсус дастурлар асосида ўқитилапти. Бу бежиз эмас. Марказий сайлов комиссиясининг маълумотига кўра, ҳозирда 51 мингдан зиёд сайлов ташкилотчилари, яъни комиссия аъзолари 2 кунлик ўқув машғулотларини ўташди.



**Суяржон ҚУРБОНҚУЛОВ,**  
Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

## “ХОРИЖДА ҲАМ САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА”

— Сайлов жараёнларига айна дамда икки ойдан камроқ вақт қолди. Сайловни ҳар томонлама муносиб ташкиллаштириш учун ҳаракат бошладик. Бугунги кунга қадар мамлакатимизда 150 та сайлов округи ташкил этилди ва улар ўз фаолиятини бошлади. Маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказиш учун эса 6567 та округ сайлов комиссиялари ҳам ўз ишларини бошлаб юбордилар. Яхши биламизки, қонунчиликда сайловга 60 кун қолганида сайлов участкалари ташкил этилиши керак. Сайлов участкалари маҳаллий ҳокимликлар тавсиясига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Бугунги кунги маълумот бўйича ҳозир 10 250 та сайлов участкаси тузилди. Бу жараён қонунчиликка кўра сайловга 7 кун қолганида ҳам давом этади, бу дегани рақамлар ҳали ўзгариши ҳам мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида биз хорижий мамлакатларда ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқдик. Бу гунга қадар хорижий мамлакатларда хизмат сафарида бўлган, ўша ерда яшаётган ватандошларимизга конституцион ҳуқуқларини ижро этишлариغا шароит яратиш мақсадида 53 та сайлов участкаси тузилди. Ҳозирда Россияда ва яна бир қанча хорижий мамлакатлардаги элчихоналаримизда сайлов участкалари ташкил этилмоқда. Савол туғилади, бу йилги сайловлар учун ҳозир қандай жараён кетаяпти? Сайлов қонунчилигига мувофиқ, сайловга 40 кун қолганида участка сайлов комиссиялари ишини бошлаши керак. Участка сайлов комиссияларининг тузилиш тартиби қонунчиликда белгилангандек, аввало, бу номзодларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилот, корхона, муассасалар тегишли шаҳар, туман Кенгашларига кўриб чиқиш учун тавсия этадилар. Шаҳар, туман Кенгашларининг сессияларида депутатлар бу номзодларни кўриб чиқадилар ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун округ сайлов комиссиясига берадилар. Нима учун бу масалага тўхта-лаяпман? Биламизки, сайловларнинг асосий жараёнлари участка сайлов комиссиясида бўлади. Сайловчилар ҳам худди шу ерда ўзларининг конституцион ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Овоз бериш жараёни шу ерда бўлади, кузатувчилар ҳам шу ерда бўлади. Шу сабабли сайлов жараёни ишончли, шаффоф бўлишига ҳамиша биринчи масала сифатида қарашимиз лозим. Ҳозирда округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссиясига ҳар томонлама муносиб, омма орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган, билимли, сайлов жараёнида аввал ҳам иштирок этган тажрибали номзодларни тавсия этишяпти. Мақсад бўладиган сайлов жараёнларида участка сайлов комиссияларининг фаолиятини қонуний, адолатли ташкил этишдир.



**Шухрат ФАЙЗИЕВ,**  
Марказий сайлов комиссияси  
Ўқув маркази директори:

## “САЙЛОВ 2019” МОБИЛ ИЛОВАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ”

— Бу йилги сайловга тайёргарлик жараёнлари ўзгача кечаяпти. Комиссия аъзоларини ўқитишга мўлжалланган ўқув дастурларида сайлов жараёнларини муносиб ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва хорижий кузатувчилар билан ишлаш тартиблари батафсил жамланган.

Албатта, ҳеч кимни сайлов қонунчилигини ўрганишга, янги Сайлов кодекси билан танишишига мажбурлаб бўлмайди. Аммо биз ҳозир аҳолининг кўпгина қатламлари, ишчи-ҳодимлар, талабалар, маҳалла аҳли, ёшу кекса, фаол ёшлар, фаол бўлмаганлар — барча барчага ҳеч қандай савол қолдирмайдиган даражада сайлов билан боғлиқ тушунчаларни бериб боришни мақсад қилдик. Мақсадимиз халқимиз фаол равишда фуқаролик позициясини кўрсатсин. Яқинда, ҳали бир ҳафта ҳам бўлмади, Марказий сайлов комиссияси томонидан “Сайлов 2019” мобил иловаси ишга туширилди. Мобил иловада бу йилги сайлов жараёнлари билан боғлиқ барча маълумотлар мавжуд. Демак, бугун кўчада, уйда, ишхонада, хоҳлаган жойда мобил телефонларимиз орқали сайлов жараёнлари ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятимиз бор.

Сайлов кодексида 30 дан ошқ янги нормалар бор. Янги нормалар билан киритилган ўзгаришлардан бири сайловчиларнинг электрон рўйхати шакллантирилиши бўлди. Сайлов жараёнларини сайловчилар рўйхатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Илгари ҳам сайловчилар рўйхати бўлган. Маълумотлар маҳалла фуқаролар йиғинларидан олинган. Бунда эса кўпинча англашилмовчиликлар юз берган. Чалқашликларнинг олдини олиш учун Президентимиз Қарори билан 6 октябрда Ягона электрон сайловчилар рўйхати тузилди. Бу орқали сайловчиларнинг ягона аниқ яшаш манзили бўйича ишончли рўйхат шаклланди. Ушбу ягона электрон тизим орқали ишлашда ҳар бир участка комиссиялари учун ҳозирда биттадан операторларни ҳам ўқитаяпмиз.

Тадбир давомидида бу йилги сайловларда Сайлов кодекси мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар ҳам сайлашлари мумкинлиги ҳақида фикр юритилди. Марказий сайлов комиссияси вакилларининг айтишича, бундай шахсларнинг сайлов ҳуқуқини амалга ошириш учун уларга (озодликдан маҳрум этиш жойларида) кўчма кутилар олиб борилади.



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ҳар биримиз болалигимизда неча юз йиллар, асрлар оша, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ҳақ дostonлари, эртақлар, лалар ва ўланлар, ҳикматли нақллари бобо-ларимиз ва момоларимиз тилидан эшитиб улгайдик. Шу асосда қалбимизда жасорат, фидойилик, она заминга меҳр-муҳаббат, элу юртга садоқат каби инсоний туйғулар шаклланди.

Она сути билан тилимиз чиқади, она тилимиз орқали Алломишнинг мардлиги, Жалолиддиннинг ватанпарварлиги руҳиятимизни юксалтиради, Алишер Навоийнинг "Ҳазойин-ул маоний"си дунёқарашимизни кенгайтиради, Фурқатнинг газаллари элу юрт қадрини англайди, "Бобурнома", "Уткан кунлар" тарихимиз билан яқинлаштиради. Фахр-ифтихор билан айтиш жоизки, она тилимиз — ўзбек тили кўп асрлар давомида дунё цивилизациясига, умумбашарий қадриятлар ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Хусусан, Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк", Аҳмад Югнакийнинг "Қутадгу билиг" асарлари, Ҳазрати Аҳмад Яссавийнинг бебаҳо ҳикматлари, Алишер Навоийнинг "Ҳамса", "Ҳазойин-ул маоний"си, Бобур Мирзонинг "Бобурнома"си, Бобороҳим Машираб, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби буюк алломо ва адибларимизнинг ўлмас асарлари нафақат миллатимиз, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, инсоният маънавиятининг сарчашмаси саналади.

Яна бир хушxabар, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса бир қувончимизга ўн қувонч қўшди, мустақиллик шукҳини баралла ҳис қилдик. Айниқса, "Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тутиб қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир", деган даъвати эртанги кунимиз эгалари бўлмиш фарзандларимиз учун ўзига хос бетақдор маънавий-ахлоқий тарбия мактаби вазифасини ўташи тайин.

Шу ўринда, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг "Эрларда жамол лисон ва тилдадир", деган муборак сўзларини эслаб ўтиш жоиз. Бу муборак калом инсон комиллиги унинг тил ва нутқ маданиятида намоёнлигидан далолатдир.

Юқоридаги анжуманда яна бир ҳақиқат, "Авалло, бундан ўттиз йил муқаддам қабул қилинган "Давлат тили ҳақида"ги Қонунни бугунги кун талаблари нуктаи назардан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, такомиллаштириш зарурияти...га" эътибор қаратилди. Зотан, узоқ йиллар давомида миллий гуруримиз ва ўзлгимизни аста-секинлик билан қуртдек кемириб келаятган иллатни ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида наинки кўрсак-да кўрмасликка, сезасак-да сезмасликка олдик, илла ўзимиз унга имконият яратиб берганимиз рост. Шу нуктаи назардан Юртбошимизнинг юқоридаги Фармон ва даъвати халқимиз дардига малҳамдек бўлди.

## ТИЛГА ҲУРМАТСИЗЛИК ЎЗЛИККА ҲУРМАТСИЗЛИК

Ўз тилини йўқотган миллат ўзлгидан маҳрум бўлади, маънавий заволга, таназзулга юз тутишини жафокаш халқимиз жуда яхши билади. Чор Россиясининг "Бирор миллатни йўқ қилмоқчи бўлсанг, аввало, унинг тили ва маънавиятини йўқотмоқ керак"лигига қаратилган салкам бир асрлик уринишлари асорати бугунги кунимизда ҳам манаман, деб ўзини кўрсатиб турибди. Зотан, собиқ мустабид даврда тарихимизни атайлаб бузиб кўрсатилиши, буюк аждодларимизнинг дунё тан олган бебаҳо илмий, маънавий меросини йўқотишга уриниш, она тилимизнинг камситилиши, хат-саводли, зиёли кишиларимиз қатағон қилинишлари замирида ҳам айнан мана шу мақсад ётган эди-да.

Халқимиз, миллатимизнинг фидойи ва зиёли фарзандлари она тилимизга давлат тили мақомини бериш йўлида матонат кўрсатилди. Турли тўсиқларга қарамай, 1989 йилнинг 21 октябрь куни, ҳали собиқ мустабид тузум ҳукмронлиги тугамаган пайтда мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили, деб эълон қилинди. Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби қатори муқаддас тимсолига айланди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган

Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунда ўзбек тили давлат тили сифатида белгилаб берилди. Аммо айтсак тилимизни ҳам, айтмасак дилимизни ҳам кўйдирадиган, "аммо..."ларга асло кўз юмишини илжойи йўқ. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг "Ҳифзи Лисон" асарида... "Биз туркистонликлар миллий тилни сақламоқ бир тарафда турсун, кундан-кунга унутмоқ ва йўқотмоқдадурмиз", — дея бир аср муқаддам чеккан ташвишлари, билдирган хавотири бугунги кунда миллатимизнинг янада долзарб муаммоси ва оғриқли нуктасига айланиб, таъбир жоиз бўлса, миллатимизнинг 30 йилдан буюн битмай келатган очик яра бўлиб келди.

Бўғимизда тош қотган бир савол жунбушга келиб, бизга тиним бермади. Она тилимиз Ўзбекистон давлат тили деб эълон қилинганга ўттиз йил бўлса-да, ўзбек тили том маънода ўз мавқеига эришолмаётганига нима сабаб бўлмоқда? "Маънавий қашшоқликми", мустабид тузум асоратларидан ҳали-ҳануз қутила олмаётганимизми ёки... муайян бир мақсадга қаратилган, кўзга кўринмас сунъий тўсиқларми?...?

## МАДАНИЯТЛИК БЕЛГИСИМИ ЁКИ МАСХАРАБОЗЛИК?

Расмий идораларда давлат тилига муносабат, бу борадаги саводхонлик қай даражадалигини билиш мақсадида айрим вазирик ва ташкилот қабулхоналарига кўнгирик қилдик. Жуда кўпчилик давлат идораларида телефон гўшаги кўтарилиши билан "Ассалому алайкум", деган ҳам эзгу каломни эшитиб қувонган бўлсак, айрим ташкилотларда Ассалому алайкум, деган сўзимизга "по русскому говорите, не понимаю", деган жавобни эшитиб, мулзам тортдик.

Нафсиларини айтганда, эҳтиёж ва истак бўлса, чет тилини 30 кунда ўрганиш мумкин. Бу борада машҳур рус сайёҳи Миклухо Маклаининг иқтидорига тан бериш лозим. Дунёга таниқли сайёҳ Амазонка чаңгалзорларида яшовчи одамхўр абorigенларнинг тилини бор-йўғи 5-6 кунда ўзлаштириб, шу орқали нафақат ўз жонини сақлаб қолган, балки уша қабилада хурмат қозона билган. Зотан, сувини ичиб, нонини еб, тупроғини босиб юрган юртнинг тилига хурмат кўрсатиш ҳар бир инсоннинг ички олами ва маънавий қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир.

Кўча-кўйда айрим ёшларнинг она тили билан ёт тилни аралаш-қуралаш қилиб, "Зуля знаешь, кеча қизик бир гап бўлди, эшитсанг умрешь", "Мам, уйга кечроқ бораман, ладно?", "Бугун садикда родителский собрание бўларкан", қабилидаги суҳбатларини эшитиб, очиги уларнинг ўзбек эканлигидан уялиб кетасан киши. Уларнинг онгидида бу каби маънавий қашшоқлик, саводсизлик, аввало, оила, ота-она ва таълим-тарбия муассасасида олинган кундалик тарбиявий жараён маҳсули эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Бир кўшим бор, касби йўқитувчи. Мактабда болаларга таълим-тарбия беради. Ҳар гап у кишининг бешинчи қаватдаги деразасидан янграган овозини эшитганимда, "эссис..." деган афсуснамо ўкинч кўнглимдан ўтади. "Жоҳа (Жаҳонгир) быстро домой, папанг чақираяпти. Жоҳа, домашний заданияни қилдингми? Жоҳа, почему шапкангни қиймадинг". Она-боланинг бундай ўзаро диалогидан нафақат Жаҳонгир, балки бу муаллимдан дарс олган барча ўқувчиларнинг эртанги маънавий қиёфаси яққол кўз олдимизда гавдаланади. Жанубий Корейнинг Пусан чет тиллар университетининг профессори, ватандоши - миз Азамат Акбаровнинг

"Шахнинг нутқидан келиб чиқиб, унинг саводлилик даражасини билса бўлади", деган сўзлари нечоғлик ҳаётий ҳақиқат эканлигига тобора амин бўламиз.

Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган халқаро анжуманларнинг аксарияти рус тилида олиб борилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Касб тақозоси билан мана шундай халқаро анжуманлардан бирода иштирок этдим. Таниқли давлат арбоби модератор суҳбат аввалини ўта назокат билан "уважаемые дамы и господа" билан бошлаб, тадбирни рус тилида олиб борарди. Сўз навбати америкалик халқаро экспертга келганда, у тадбир иштирокчиларидан нутқидидаги айрим камчиликлар учун узор сўраган ҳолда ўзбек тилининг жозибаси ва қадимийлиги ҳақида икки оғиз гапириб, ўзбек тилида маъруза қилди. Бу ҳолат барча иштирокчилар учун жуда ёқимли эди. Шу ўринда кўпчиликда синхрон таржима борасида ҳеч қандай муаммо бўлмаган бир пайтда нега Ўзбекистондаги барча халқаро анжуманлар давлат тилида олиб бориладими? Бугунги кунда зукко йигит-қизларимиз инглиз, япон, олмон ва бошқа чет тилларини мукамал ўзлаштириб, юксак билим ва салоҳияти билан жаҳон аҳлини лол қолдирмоқда. Ўзбек тилини кўплаб хорижликлар ўрганаётган, катта қизиқш билдириб, хурмат қилишаётганда нега биз ҳамон ўзга тилга маданият белгиси, деб қараймиз? Қачонгача, ўзбек фарзанди бўлган бирор бир давлат арбоби ўзбекча маъруза қилса, қизил қор ёққандек қабул қиламиз?

Яна бир гап, тахририятимизга республикамизнинг айрим нуфузли давлат идора ва ташкилотларидан келаётган расмий хатлар рус тилида битилганини қандай изоҳлашга ҳам ҳайронмиз. Бу ўз она тилида саводсизлик белгисими ёки давлат тилига хурматсизликми?




# ТИЛИНИ ҲИМОЯ ҚИЛГАН ЎЗ ВАТАНИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Давоми кейинги сонда.



Фарида ҚОРАКУЛОВА,  
"Инсон ва қонун" мухбири

ЎЗБЕКИСТОН жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо бериш, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир. Шу мақсадда, жиноят-процессуал кодексида ҳақиқатни аниқлаш принципи мустаҳкамланган бўлиб, инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган ушбу умумэтироф этилган тамойил асосида жиноят ишини юритишга масъул бўлган органлар зиммасига жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш вазифаси юклатилган.



## ЖИНОЯТЛАР ҚАНДАЙ ОЧИЛАДИ?

### Ҳақиқатни аниқлаш принципи

Унга кўра, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин, шунингдек, гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиши керак. Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мунозаралар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим.

### ИШОНЧЛИ ДАЛИЛ

Жиноят иши доирасида шахсни айбдор ёки айбсиз эканлигини исбот қилиш жараёнида далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш муҳим ўрин тутadi.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекинши, у қандай сабабга қўра өз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул, яъни яроқсиз, деб топилишига олиб келади.

Шу сабабли, қонун далиллар мақбулликка оид шартларни белгиланган бўлиб, унга кўра далил уни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан ва қайд этилган манбалардан олинган бўлиши, далилни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга ва натижаларининг қайд этилишига доир қондалар ва тартибга риоя этилган бўлиши шарт.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, далиллар қуйидагича тўпланади:

- тергов ва суд ҳаракатларини юритиш;
  - гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш;
  - юзлаштириш;
  - таниб олиш учун кўрсатиш;
  - кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш;
  - олиб қўйиш;
  - тинтув;
  - кўздан кечириш;
  - гувоҳлантириш;
  - мурдани эксгумация қилиш;
  - эксперимент ўтказиш;
  - экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш;
  - экспертиза ва тафтиш тайинлаш;
  - тақдими этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш;
  - телефонлар ва бошқа сўзлашув қурilmалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш;
  - тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш.
- Ҳозирда далилларни тўплаш жараёни шартли равишда иккига бўлинади, яъни

жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ҳамда суд муҳокамаси давомида суд томонидан қонунда белгиланган тартибда далиллар тўплаш ва мустаҳкамлаш мумкин. Бундан ташқари, тергов давомида тўпланган далиллар суд муҳокамаси давомида қайта текширилади ва қонуний ҳамда асослиги нуқтаи назардан баҳоланади.

Аммо амалдаги қонунчилик нормалари жиноят процесси иштирокчиларига ўз вазифаларини исботлаш ва шу йўл орқали қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш учун барча имкониятларни назарда тутмайди. Таҳлиллар ва хорижий давлатлар тажрибаси далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашнинг амалдаги механизмларини янада такомиллаштиришни, жиноят тартибда ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларга кенг ҳуқуқий шароит яратишни тақозо этмоқда.

Масалан, ҳозир бизда терговга қадар иш юритув даврида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш масаласида суднинг иштироки чегараланган. Жиноят иши давомида эса объектив ҳолатларга кўра далилларни кечиктирмасдан мустаҳкамлаш зарурати вужудга келиши мумкин. Хусусан, иш бўйича муҳим гувоҳларнинг оғир касаллиги, хорижий давлатга кетиши ва бошқа объектив сабаблар уларнинг кўрсатувларини ўз вақтида далил сифатида расмийлаштиришни тақозо этади.

Бундан ташқари, суд амалиётида айрим гувоҳлар турли сабаблар билан хусусан, тергов органи томонидан босим бўлганлиги вақтини келтириб, ўзларининг дастлабки терговдаги кўрсатувларини ўзгартириш ҳолатлари учради, шунингдек, иш бўйича ёзма ёки ашёвий далиллар ўзининг табиий хусусиятига кўра суд муҳокамаси бошлангунга қадар йўқ бўлиб кетиши мумкин.

### НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигига судга қадар иш юритув даврида тарафларнинг ташаббусларига кўра суд тартибда далилларни мустаҳкамлаш (сақлаш) институтини киритишни тақдиф этамиз.

Унга кўра, объектив сабаблар (оғир касаллик, хорижий давлатга кетиш, гувоҳ ёки жабрланувчининг ҳафсизлигини таъминлаш ва б.) тўғрисида жабрланувчини ёки гувоҳни кейинчалик сўроқ қилиш имконияти бўлмаслиги мумкинлиги ҳақида етарли асослар мавжуд бўлганда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки унинг ҳимоячиси, жабрланувчи ёки унинг вакили, шунингдек, терговчи судга далилни мустаҳкамлаш тўғрисида илтимоснома ки-

ритиши мумкин бўлади. Суд муҳокамаси умумий қондаларга риоя қилган ҳолда жиноят иши доирасида тарафлар, жумладан, давлат айбловчиси иштирокида ўтказилиб, натижасига кўра баённома расмийлаштирилади, шунингдек, ишнинг ҳолатидан келиб чиқиб, видеотасвирга олинади ҳамда кейинчалик жиноят иши бўйича суд муҳокамаси даврида далил сифатида қўлланилиши мумкин.

Далилларни суд тартибда мустаҳкамлашни жорий этиш орқали терговчи томонидан қонунда белгиланган тартибга риоя этилиши устидан суд назоратини ўрнаттириш, кўрсатувларни ўрнатилган тартибда расмийлаштириш, тарафларга қарама-қарши томон савол бериш ҳуқуқини бериши, шунингдек, далиллар бевосита суд томонидан ўрганилишига имкон яратилади.

Тергов амалиётида гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатувлари жиноят иши бўйича асосий далил сифатида эътироф этилган ҳолатларни учратиш мумкин. Ваҳоланки, гумон қилинувчи ва айбланувчининг энг асосий ҳуқуқларидан бири бу кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқидир. Бу борада амалдаги қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига имкон бериши мумкин. Жумладан, шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қарор чиқарилгандан кейингина шундай мақомга эга бўлади ва шундан сўнг у гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳуқуқларидан, жумладан, кўрсатувлар беришдан бош тортиш ҳуқуқидан фойдаланади. Бизда эса унга қадар, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида эътироф этилмасдан туриб, суриштирув ва дастлабки тергов органи томонидан шахс гувоҳ тартибда сўроқ қилиниши ва ундан тегишли тушунтириш хатлари олиниши амалиёти мавжуд. Бу ҳолат жиноят-процессуал қонунчилигида мазкур масалада аниқ ҳуқуқий чегаранинг белгиланмаганлигини кўрсатади.

Амалдаги қонун талабига кўра, ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришининг асослардан биттаси мавжудлигини бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа, гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини билдириши ва ундан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришни талаб қилиши шарт. Шу билан бирга, ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш

ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек, у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шарт.

### ЯНГИ НОРМА КЕРАК

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, шахсни жиноят иши бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун етарли асослар (шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса; жиноят шохидлари, шу жумладан, жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тартибда тўғридан-тўғри кўрсатсалар; унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйда содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса) мавжуд бўлган ҳолларда ҳам унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳуқуқлари тушунтирилмасдан, уни ёлгон кўрсатув берганлик ва кўрсатув бе-

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, далиллар қуйидагича тўпланади:

- тергов ва суд ҳаракатларини юритиш;
- гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш;
- юзлаштириш;
- таниб олиш учун кўрсатиш;
- кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш;
- олиб қўйиш;
- тинтув;
- кўздан кечириш;
- гувоҳлантириш;
- мурдани эксгумация қилиш;
- эксперимент ўтказиш;
- экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш;
- экспертиза ва тафтиш тайинлаш;
- тақдими этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш;
- телефонлар ва бошқа сўзлашув қурilmалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш;
- тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш.

ришдан бош тортиш учун оғоҳлантирган ҳолда гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ва ёзма равишда олинган кўрсатувларни кейинчалик унинг ўзига қарши қўллаш ҳолатларини учратиши мумкин.

Шу сабабли амалдаги қонунчиликка шахсни жиноят иши бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун етарли асослар мавжуд бўлган ҳолларда унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳуқуқлари тушунтирилмасдан, гувоҳ сифатида сўроқ қилиш ва ҳар қандай кўринишда ёзма тушунтиришлар олиниши тақдирини норма киритиш мақсада мувофиқ. Бундан ташқари, ушбу қоида бузилган ҳолда олинган кўрсатувлар номақбул далил, деб топилиши ва айблов асосига қўйилиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланиши керак.

Шу билан бирга, шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқарилишини таъминлаш ва халқаро миқёсда умумэтироф этилган ва мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигида ўз аксини топган "Миранда қонуни"нинг самарали ишлатишга эришиш мақсадида шахсни ушлаш ва унга ҳуқуқларини тушунтириш, ундан ашёвий далилни олиш (кечиктириб бўлмайдиган ҳоллардан ташқари) видеотасвирга олиниши шарт ҳамда дастлабки тергов жараёнининг ҳар қандай босқичида ҳимоячидан воз кечиш жараёнини видеотасвирга олишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш замон талабидир.

Мавлон ҒАФУРОВ,  
ҳуқуқшунос

## 1 НОЯБРДАН СЎРОВНОМА БЕРИШИНГИЗ МУМКИН

БУГУНГИ кунда давлат хизматлари марказлари аҳолига қулай, шаффоф хизматлар кўрсатиб, ҳар бир фуқаронинг мушкуллари осон қилаяпти. Эндиликда ҳисоблагичларни ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматларининг кўрсатилиши ҳам фуқароларга бир қанча қулайлик яратади. Сабаби, авваллари ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказиш зарур бўлиб қолганда, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларга мурожаат қилинар эди. Мурожаатни ўрганишга эса кўп вақт кетарди. Бундан ташқари, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ходими келиши, ҳисоблагични белгиланган тартибда ечиб олиб кетиши, қиёслангандан кейин яна қайтариб олиб келиб ўрнатилишига кетадиган муддатнинг узунлигидан аҳоли жуда чарчаган эди.

Жорий йилнинг 1 ноябрдан истеъмолчи тўғридан-тўғри Давлат хизматлари Агентлигига сўровнома тарзида мурожаат қилиши ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон тарзда сўровнома юбориши мумкин. Бу ўз маблаглари ҳисобидан таъминотчи корхоналарнинг мутахассислари томонидан бажарилади, яъни бу ҳисоблагични ечиб олиш, қиёслашдан ўтказиш, агар таъмирталаб бўлса, таъмирлаш ҳамда олиб бориб ўрнатиб бериш жараёнидан иборат. Ҳисоблагич ускунасини ечиб олиш 5 иш куни, ўрнатиш эса 3 иш куни муддатда бажарилади. Ариза топширувчи жами 14 иш кунда ўз мурожаатига жавоб олади. Яна бир афзаллиги, ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш давлат хизматини кўрсатганлик учун жисмоний шахслардан (маиший эҳтиёжлар учун электр энергиясидан фойдаланувчи жисмоний шахслардан ташқари) базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи, юридик шахслардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорда йғим ундирилади. Бунда ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича бир вақтда мурожаат қилинганда йғим суммаси бир марта ундирилади. Ҳисобга олиш ускунасини (ҳисоблагични) қиёслашдан ўтказиш назарда тутилмаган ҳолларда ечиш ёки ўрнатиш учун йғим ундирилмайди.

Бир сўз билан айтганда, бу борадаги қонун ҳужжатларининг қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад фуқароларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлашдан иборат.

Қайим ХОЛОВ,  
Давлат хизматлари Агентлиги  
Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи

БИР эслаб кўрайлик, бундан 3-4 йил аввал биргина уй-жой олди-сотдиси учун ўн-дан ортиқ ҳужжат талаб этилар, уларнинг ҳар бири учун кунлаб вақт кетарди. Шунга ўхшаш фуқароларнинг кундалик иши тушадиган идоралар олдида узундан-узун навбатлар, сансалорлик ва оворагарчиликлар, бир масалада бир неча идораларга мурожаат қилиш зарурияти каби ортиқча югур-югурлар ҳар қандай киши қалбига нозилик ҳиссини уйғотарди.


Бугун Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган ислохотлар натижасида давлат билан халқ ўртасидаги мулоқот янги bosқичга кўтарилди. Халқнинг оғирини енгил қилиш, "давлат — фуқаро" муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлашга қаратилган давлат хизматларини кўрсатишининг янги тизими ишлаб чиқилди.

Натижада жисмоний ва юридик шахсларга ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустакил равишда олиши ҳисобига содда-лаштиришни назарда тутувчи маъмурий регламентлар тасдиқланиб, амалиётга жорий этилди.

Қурилиши тугалланган иморатни ўз номига расмийлаштириш учун кўп югурган куйганёрлик 70 ёшни қоралаган нафақадаги отахон Комилжон Отамирзаев уй-жойига кадастр ҳужжатини давлат хизматлари маркази орқали олиш мумкинлигини эшитиб ўзида йўқ кувонди. Чунки одамлар эътироф этаётган хизмат отахоннинг қулоғига ҳам етиб борганди.

Андижон туман Давлат хизматлари марказида Комилжон отани илиқ кутиб олдилар. Марказ мутахассислари томонидан қисқа муддатларда мурожаат қабул қилинди. Отахонга регламент бўйича белгиланган муддатда кадастр ҳужжатлари тайёр бўлиши тушунтирилди.

Регламентга асосан марказ



## ИШИМ БИР ҲАФТАДА ҲАЛ БЎЛДИ

ЭНГ МУҲИМИ ИДОРАМА-ИДОРА ЭШИК ҚОҚМАДИМ

ХОДИМИ тўлдирилган сўровнома-ни ўша вақтнинг ўзидаёқ тегишли вилоят ер ва кўчмас мулк давлат кадастри туман филиалига юборди. Филиал ходимлари сўровнома келиб тушган кундан бошлаб белгиланган муддатда жойига бориб, объектни ўрганиб чиқди, техник инвентаризациясини амалга оширди ва далолатнома лойиҳасини тайёрлаб, тасдиқлади ҳамда туман қурилиш бўлимига юборди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қурилиши (реконструкция) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш давлат хизматининг маъмурий регламентига асосан ушбу хизмат бўйича мурожаатни кўриб чиқиш муддати 23 кундан 9 иш кунигача қисқартirilган ва ҳужжат айланиши фақат электрон кўринишда амалга оширилиши белгиланиб, туман ва шаҳар ҳокимлигининг ушбу хизмат бўйича қарор қабул қилиши бекор қилинган.

Комилжон ота ҳам мурожаати белгиланган тартибда ўз вақтида кўриб чиқилганидан хурсанд.

— Ишим бир ҳафтада ҳал бўлганини кўриб, ҳайратда қолдим, — дейди Комилжон ота. — Авваллари

кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун керак бўлса йиллаб югуришимизга тўғри келарди. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган марказ оғиримизни енгил қилаётгани, албатта, барчамизни бирдек қувонтиради.

Бугун Комил Отамирзаев сингари ўз мулкни қонуний расмийлаштириш учун марказга келаётганлар бисёр.

Андижон туман Давлат хизматлари маркази директори Дониёр Қурбоналиевнинг айтишича, 2019 йилнинг 9 ойи давомида марказ томонидан 128 йўналишда 55 минг 507 та хизмат кўрсатилган. Шундан 3 минг 33 таси қурилиши тугалланган яқка тартибдаги тураржойни фойдаланишга қабул қилиш йўналишига тўғри келади. Шу кунга қадар мурожаатларнинг 2951 таси ижобий ҳал этилган бўлса, 82 таси айрим сабабларга кўра рад қилинган. Энг асосийси, бугун марказ хизматидан мамнун фуқаролар талайгина.

Умиджон МАМАРАСУЛОВ,  
Давлат хизматлари Агентлиги  
Андижон вилоят бошқармаси  
матбуот хизмати раҳбари

## Йўл юрдик, йўл юрдик, КЕРИЗБУЛОҚҚА ЕТДИК

ТОМДИ туман Давлат хизматлари маркази мутахассислари туманининг олис ҳудудлари ҳисобланган Керегета, Кериз ва Сукетти овулларидagi аҳолига давлат хизматларини кўрсатдилар. Йўл узок, чўл манзараси. Автобус бийда кумликлардан елдай учиб манзили томон шошилади. Бу гал автобусда марказ ходимларига тумандаги Халқ қабулхонаси ва Бош вазир қабулхоналари вакиллари ҳамкорлик қилиб, чўл ҳудудида яшаётган аҳоли турмуш шароитини ўрганиши, уларнинг ихтимойи масалалар юзасидан мурожаатларига ечим топиш мақсадида йўлга чиқиди.

Тумандан қарийб 100 километр узокликдаги мазкур аҳоли ҳудудларида 422 та хонадон мавжуд. Автобусда ҳар бир ҳудуд овул биносидан, керак бўлса, узок аҳоли пунктлари, фермаларигача бориб хизмат кўрсатилди. Боиси, бу манзилларда одамларнинг тирикчилик манбаи чорвачилик ҳисобланади. Чўлқуварлар сурув-сурув боқаётган чорваси туғайида, ҳатто туман марказига тушиш учун вақт топа олмайдилар. Уч ҳудудда 3400 нафардан ортиқ фуқарога 5 та умумтаълим мактаби, 3 та мактабгача таълим муассасаси, 3 та қишлоқ врачлик пункти аҳоли ихтиёрида. Албатта, одамларнинг давлат хизмати юзасидан қилган мурожаатларига мобил автобуснинг ўзида сайёр хизмат кўрсатилди. 69 нафар фуқаро оворагарчиликсиз овулда ўз муаммосига ечим топганидан хурсанд.

Тўғри-да, Керегетау ёки Керизбулоқ қаерда-ю, Томди ва Навоий қаерда? Авваллари, бир энлик ҳужжат учун қанча йўл босишган, қанча вақт сарфлашган. "Кериз" овул фуқаролари йғини раиси Алимбет Мейликуловнинг таъкидлашича, бундай сайёр хизмат чўлда яшаётган одамларга жуда зарур бўлган. — Авваллари, ҳатто уй-жойлар кадастр ҳужжатларисиз қурилган, тадбиркорлар давлат руйхатидан

ўтмай, солиқ тўлабгина фаолият олиб борганлар, холос. Мана энди тадбиркорнинг ҳам, фуқаронинг ҳам юмуши осон битмоқда. Қанчадан-қанча ариза ва мурожаатлар қоғозларда қолиб кетганди. Энди чўлдаги одамлар мурожаати, истаги, ҳатто уй-уйига келиб ўрганилмоқда, ечими топилмоқда, — дейди овул раиси.

Мобил автобусдаги таширф аҳоли учун фойда берди. Бу гал Халқ қабулхонаси ва Бош вазир қабулхонаси вакиллари овул фуқаролари ихтимойи масалалар бўйича муаммоларини ҳам билдирдилар. Марказ ходимлари эса аҳолига оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишнинг афзалликлари борасида ҳуқуқий тушунчалар етказдилар. Чўлда аёллар учун тикувчилик, гиламдўзлик ва туя жунидан тайёрланадиган кўрпа-ёстиқлар ишлаб чиқариш билан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида бизнес режалар тузиш учун кўмак берилди.

Йўл юрдик, йўл юрдик, яна Кериз, Сукетти ва Керегетаудан Томди ва Навоийга қараб мўл юрдик.

Мухриддин НУРУЛЛАЕВ,  
Томди туман Давлат хизматлари  
маркази директори

## ЗИЁВУДДИНДА ДУВ-ДУВ ГАП!

— ЭШИТДИНГИЗМИ? Зиёвуддинда 4 ой ичда 2 қаватли бино куриб фойдаланишга топширилар эмиш! — Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас! — Ана сюрприз-у мана сюрприз!

Чиндан ҳам Пахтачи туманининг Зиёвуддин шаҳарчасида қад ростлаган туман Давлат хизматлари маркази биноси қисқа фурсатлар ичда куриб фойдаланишга топширилди.

Пахтачида Давлат хизматлари маркази янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Самарқанд вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов иштирок этиб, туман аҳолисини самимий қутлади. Шундан сўнг карнай-сурнай садолари остида янги иншоот тантанали равишда туман аҳолиси ихтиёрига топширилди.

— Дарҳақиқат, Пахтачи туманига яқин орада таширф буюрмаган одамнинг ишонгиси келмайди, — дейди шоир Шермат Санаев. — Бугун Зиёвуддин шаҳарчаси том маънода бунёдкорлик, қурилиш майдонига айланди. Янги иншоотда адлия ва ФХД бўлимлари, нотариус ва Бош вазирнинг тадбиркорлар қабулхонаси жойлашганлиги фуқароларга қулайликлар яратиб, уларнинг оғирини енгил, узоқини эса яқин қилади ва энг асосийси, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олади.

Шу билан бир қаторда бинода кафе, болалар хонаси, тиббиёт хонаси, инвесторлар хонаси, электрон навбат тизими жорий этилган. Марказ бир вақтнинг ўзида 20 та қабул ойнасида мурожаатчиларга хизмат кўрсата олади. Замон андазаларига мос равишда жиҳозланган бинода 7 та монитorda



100 дан ортиқ давлат хизмати турлари юзасидан маълумотлар марказга келувчи фуқаролар учун тақдим этилган.

Янги биносининг кириш қисмида хизматлар ҳақида тўлиқ маълумот берувчи INFOLAND ўрнатилган бўлиб, унда давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган хизмат номлари ва уларнинг QR-кодлари жойлаштирилган. Мобил телефонда QR-кодни сканер қилиш ҳамда илова орқали ушбу хизмат ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконияти мавжуд. Жумладан, хизматдан фойдаланиш учун керакли ҳужжатлар, давлат божи тўлов суммаси, хизмат кўрсатиш муддати ва хизмат кўрсатувчи ваколатли орган тўғрисидаги барча керакли маълумотга эга бўлиш мумкин. Инвесторлар учун зарур бўлган хизмат турлари эса рус ва инглиз тилларида жойлаштирилган.

Даврон ЖАМОЛОВ,  
Давлат хизматлари Агентлиги  
Самарқанд вилоят бошқармаси  
Жамоатчилик ва ОАВ билан  
алоқалар шўъбаси етакчи  
маслаҳатчиси

**ҲОЗИРГИ** кунда Ҳукуматнинг ахборот жиҳатидан очиқлиги демократик жамиятнинг устувор жиҳати, давлат органлари томонидан қарорларнинг қабул қилиниши ва ижросига конструктив таъсир усули ҳисобланади.

“Ҳаракатлар стратегияси”да давлат аппарати фаолияти очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тегишли ахборотни тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий этиш давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш жараёнининг устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйилган. Амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳокимиятнинг барча даражаларида татбиқ этилаётган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган гоя мужассам.

# АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

## очиқлик ва шаффофликка қандай эришди?

### “Очиқлик” ўзи нима?

Ижрочиларнинг фикрича, очиқлик — бу ҳокимият органи режалари, натижалари ва жорий фаолиятига доир тезкор маълумотларни олиш имконияти, меъёрий-ҳуқуқий базанинг очиқлигидир.

Бизнес-ҳамжамият вакиллари учун эса — бу келиб тушган муурожаатларга тезкор жавоб бериш ва уларнинг жорий фаолиятидаги ҳисобини юритиш, танлов тартиб-таомилларининг очиқлиги ва ҳолислигидир.

Экспертлар ҳамжамияти учун — бу матбуот хизматлари фаолияти, жамоат кенгашлари билан ўзаро алоқа, муурожаатлар билан ишлаш ҳақида маълумот беришдир.

Умуман олганда очиқ давлат учта асосий тамойил асосида шаклланади: бу одамларга давлат органлари фаолиятига доир сифатли, тушунарли ва ҳолис маълумотни тақдим этиш, уларни давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб қилиш ва жамоат назоратини амалиётга жорий этишдир.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида”ги Қонун фуқароларнинг иқтимоий аҳамиятига молик ахборотдан фойдаланишнинг ҳуқуқий кафолатлари, давлат органларининг жамият билан ахборот соҳасидаги ўзаро алоқасининг аниқ механизмларини белгилаб берди. Маълумки, бир йилда икки марта давлат органларининг очиқлик бора-сидаги рейтинг чоп этилди. Адлия вазирлиги ўтган йилнинг 1 июль ҳолатига биринчи қатордан мустаҳкам ўрин олган.

Экспертларнинг фикрича, бунга тўлиқ асос бор. Сўнгги йиллар давомида Адлия вазирлигининг аҳоли, ОАВ билан ўзаро алоқа тизими сезиларли равишда ўзгарди. “Ишонч телефонлари” фаолият кўрсатмоқда, кўп тармоқли Call-центр хизмати йўлга қўйилган бўлиб, 1008 қисқа рақам орқали фуқаролар юртимизнинг турли бурчакларидан муурожаат йўллаши мумкин. Утган йил якунларига кўра, Адлия вазирлигига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида 28 мингдан ортиқ муурожаат келиб тушган. Уларнинг 20 676 таси белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, 13 мингдан ортиги (66 фоиз) қаноатлантирилган.

Вазирлик мутахассисларининг аҳолини қўйиб қўйган ва адлия органлари аралашувидан сўнг қонуний ҳал қилинган масалалар бўйича босма ва интернет-нашрлар, телевидение ҳамда радиода 25 мингдан зиёд чиқишлари ташкил этилди. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларга ўз вақтида ойлик маоши тўланмаслиги билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, фермер ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш шулар жумласидандир.

### ВИРТУАЛ МУЛОҚОТ

Иш фаолиятида ахборот технологияларининг қўлланилиши билан одамлар ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими кучайиб бормоқда. Учрашувларнинг “юзма-юз” формати онлайн-мунозаралар ва интернет-мулоқот орқали тўлдирилмоқда. Бу кенг доирадаги масалалар бўйича тексари алоқанинг энг тезкор воситаларидан биридир. Адлия вазирлигида замонавий технологияларнинг имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Шу тариқа, Адлия вазирлигининг расмий веб-сайти орқали тармоқ фойдаланувчилари адлия органлари ва муас-



сасалари фаолияти йўналишларига доир маълумотларини олмақда. Telegram мессенжеридagi “Huquqiy axborot” (“Правовая информация”) каналлари 190 минг нафардан ортиқ аъзога эга. Унда ҳар куни қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга оид ахборот жойлаштирилиб борилади.

Адлия органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, Адлия вазирлигини уларнинг фаолиятидаги хатоликлар ва камчиликлар хусусида тезкор равишда хабардор қилиш мақсадида Facebook иқтимоий тармоғида “Адлия билан мулоқот/Диалог с юстицией” саҳифаси очилган. Утган йил давомида мазкур каналлар орқали беш мингга яқин муурожаат келиб тушган. Фуқароларга жавоблар қайтарилган ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилган. Бундай саҳифалар бошқа иқтимоий тармоқларда ҳам бор.

### “OPEN JUSTICE”

“Open Justice” (“Очиқ адлия”) иқтимоий дастури яна бир янгиланган биридир. Унинг аҳамияти ўз фаолиятининг максимал даражадаги очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, тизимда коррупцияга қарши кураш бўйича самарали механизми жорий қилиш, жамоатчиликни вазирлик фаолиятидан хабардор қилишга қаратилган. Аҳолининг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан “Open Justice” (“Очиқ адлия”) дастури ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.

### ДАСТУРНИНГ АҲАМИЯТИ НИМАДА?

Тасвирга олиш ва ёзиб олиш мумкин. Адлия вазирлиги жамоатчиликни эҳтимолий коррупция хатарлари ва кўришилари, ходимлар томонидан ваколатларнинг суистеъмол қилиниши ёки ҳаракатсизлигини аниқлашга қақиради. Шу мақсадда фуқаролар томонидан адлия органлари ва муассасаларида аудио ва видеотасвир воситаларидан фойдаланишга руҳсат этилади.

Ҳужжат лойиҳасини иқтимоий тармоқларда муҳокама қилиш. Иқтимоий тармоқларда жамиятда катта резонансга сабаб бўлаётган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари бўйича ҳуқуқий экспертиза хулосалари ҳам жойлаштириб борилади.

Муурожаат йўллаш — осон. Муурожаат йўллаш тартиби соддалаштирилади. Ад-

Шаффоф бюджет. Адлия вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмалари молиявий фаолияти билан боғлиқ маълумотлар вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиб борилади.

Адлия ҳисобот беради. 2018 йил якунига кўра, Адлия вазирлиги очиқ фойдаланишдаги “Адлия ҳисобот беради” маҳсулоти ривожланиши таъйинлаб, жойлаштирди. Эндиликда мазкур ҳисобот аънавий равишда ҳар йили тақдим этилади.

### ЛАВОЗИМГА ОНЛАЙН-ТРАНСЛЯЦИЯ ОРҚАЛИ ТАЙИНЛАШ

Ходимларни аттестациядан ўтказиш, уларни интернет тармоғида реал вақт режимида трансляция орқали юқори лавозимларга тайинлаш бўйича танловлар ташкил қилиш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Бу кадрлар сиёсати шаффофлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

Бундай ёндашув икки йилдан бери нотариусларни вақант лавозимларга тайинлаш бўйича ўтказилаётган танловлар давомида қўлланилмоқда. Улар жараёнини интернет тармоғида тўғридан-тўғри трансляция қилиш орқали шаффоф ва очиқ тарзда ташкил этилмоқда.

Давлат органлари ва фуқаролар ўртасида ўзаро муносабатларнинг масофавий шакллари кенг жорий этилмоқда. Шу тариқа, 2018 йилнинг 1 февралидан нотариал хизматлар учун тўловларни электрон мобил иловалар орқали амалга ошириш мумкин бўлди. Бу ҳолда тўлов квантициялари автоматик равишда шакллантирилиб, биллинг тизими орқали берилди. Жорий йилнинг 1 июнидан эса нотариуслар фаолиятига СМС-хабар электрон тизими жорий этилди.

Вазирлиқнинг Ҳайъат йиғилиши доимо видеоконференцалоқа форматида ОАВ ва жамоатчилик иштирокида ўтказилади. Очиқ ҳайъат йиғилишларини ўтказиш режалари, жумладан, йиғилишлар кун тартиби лойиҳалари, уларни ўтказиш сана-си, жойи ва вақти, уларда иштирок этиш тартибига доир маълумотлар доимий равишда расмий веб-сайтда жойлаштирилиб борилади.

Адлия вазирлигида жамоат назорати ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан эканини яхши англади. Бу шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига ишончининг муҳим манбаларидан бири саналади.



Севара ўРИНБОЕВА,  
Адлия вазирлиги масъул ходими

## ҚОНУНБУЗИЛИШ АНИҚЛАНДИ, ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ЧОРАСИ ҚўЛЛАНИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан “GOLDEN STORK” МЧЖ раҳбари А.Исраиловнинг Чилонзор туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган муурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида, Чилонзор туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан “GOLDEN STORK” МЧЖ фаолиятида текшириш ўтказишда ва сотувчи Р.Мамедов ҳамда А.Исраиловга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомани расмийлаштиришда бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Ушбу аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдимнома киритилиб, Чилонзор туман давлат солиқ инспекцияси ходимларига нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди.

Дониёр МАҲМУДОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатувчи ходими

# КОРРУПЦИЯ — ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИГА КАТТА ҒОВ



TRANSPARENCY International Халқаро ноҳукумат ташкилотининг маълумотларига кўра, жаҳондаги мамлакатларнинг яримдан кўпиди коррупция бўйича ҳолат жуда аянчли аҳволда. Унда қайд этилишича, сўнгги бир неча йил давомида умий аҳвол салбий бўлиб коррупция замонавий дунёнинг тараққиёти йўлида катта ғов бўлиб турибди. Бугун уни бартараф қилиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига чиқди. 2016 йил 24 ноябрда

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди. 34-моддadan иборат ушбу ҳужжатда коррупция атамасига таърифдан тортиб, унга қарши курашиш, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, коррупцияга қарши жавобгарлик, бу масалада халқаро ҳамкорлик каби барча муҳим жиҳатлар қайд этилган.

### ҚАНДАЙ КУРАШАМИЗ?

“Коррупция — бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказида, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради”, дейилади БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясида.

Унга қарши курашишни жаҳон талаблари асосида ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда 2008 йилда БМТнинг 2003 йил 13 октябрдаги “Коррупцияга қарши” Конвенцияси ратификация қилинди.

Шунингдек, “БМТнинг “Коррупцияга қарши” конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, 2010 йил март ойда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилди. 2017 йил 3 январда эса Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингани бу йўлда муҳим қадам бўлди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, 2017 йил 2 февралда Президентнинг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилиниб, унда 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат Дастури, Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия таркиби ва Низоми тасдиқланди.

### САЛБИЙ ОҚИБАТЛАР

Коррупциянинг давлатга ва жамиятга етказадиган куйидаги зарарларини санаб ўтиш мумкин:

Биринчидан, инсоният ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган — демократия ва демократик институтларнинг мустақамланишига салбий таъсир қилади, яъни уларга жиддий путур етказида.

Иккинчидан, жамият тараққиёти учун энг муҳим омил — тинчлик, осейишталлик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларнинг бузилишига олиб келади ва кенг жамоатчиликда уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги ишончни сўндирди.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бузилиши, соғлом рақобатнинг бозордан сиқиш чиқарилиши, яширин иқтисоднинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратди.

Тўртинчидан, жамиятда носоғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг шаклланишига сабаб бўлиб, демократик давлатнинг энг муҳим ҳуқуқий принципларининг бузилишига олиб келади.

### АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилди.

Коррупциянинг олдин олиш мақсадида Адлия вазирлиги ҳужжатларнинг электрон айланиши тизимини яратди. Жумладан, “Фаол нотариус” моделининг яратилиши, нотариуслар танловларининг онлайн тарзда ўтказилиши, давлат божилари ҳақидаги маълумотларнинг кенг тарқатилиши, умуман, соҳада очиклик ва шаффофликнинг таъминланиши вазирлиқнинг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги эътиборли ишлари сифатида санаш мумкин.

Коррупцияга қарши ҳар қим ҳар доим курашиши, бу иллатнинг жамиятга, тараққиётга ва хавфсизликка катта таҳдид эканини ҳар бир онгли инсон чуқур англаши лозим. Шунинг баробарида унга қарши курашиш учун республикамизнинг барча ҳудудларида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Хоразм вилоят адлия бошқармаси ва унинг туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича 2019 йилнинг 9 ойи давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2019 йилнинг 9 ойи давомида бошқарма ва унинг тизимидаги туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан жами 1000 дан ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Ўтказилган тарғибот тадбирларида жами 20000 нафардан ортиқ фуқаро иштирок эттиди.

Шунингдек, бошқарма томонидан ўтказилган кўргазмали ҳуқуқий тарғибот тадбирларида 10000 дан ортиқ нусхадаги флаерлар тарқатилди.

### ОДИЛБЕК ЖУМАНИЕЗОВ,

Хоразм вилоят адлия бошқармаси Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўлими бошлиғи

СУД автотехника экспертизасининг тобора кенгайиб бораётган имкониятлари тадқиқотларни янада чуқурроқ олиб бориш ва аниқ натижаларга эришиш имконини бермоқда. Бу, ўз навбатида, экспертиза тақдим этилган иш материалларни атрофли ва тўлиқ ҳақида ҳолисона кўриб чиқилишини янада мустаҳкамлайди. Натижада, ҳуқуқни муҳофиза этувчи идораларнинг ходимлари йўл-транспорт билан боғлиқ ишлар бўйича асл воқеликни очиб беришга хизмат қилади.

## АВТОМОБИЛЛАР ҚАНДАЙ ЭКСПЕРТИЗА ҚИЛИНАДИ?

Ҳадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг суд автотехника экспертизаси лабораториясига суд экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун тақдим этилаётган иш материалларининг тадқиқот объектлари ва иш ҳужжатлари процессуал қонунда белгиланган тартибда бўлиши шарт. Суд автотехника экспертизасини тайинлаш ва ўтказишда айбланувчи (тумон қилинувчи) нинг ҳуқуқларини таъминловчи қонун талабларига риоя қилинганлигига эътибор қаратилиши лозим. Бу талабларга риоя қилмаслик экспертлик тадқиқотларини ўтказишнинг процессуал қоидаларини жиддий бузилиши, деб айтишга асос бўлиб, экспертнинг ҳулосасини ишончсиз, деб топилишига ва қайта экспертиза тайинлашга асос бўлади.

Баъзан фактларни тўғридан-тўғри аниқлаш мумкин, масалан, ҳайдовчини ҳодисани олдин олиш техник имконияти ёки транспорт воситасида техник носозликни юзага келиши вақти аниқланади. Аксар вазиятларда эксперт ҳулосасида кўрсатилган ҳолатлар бундай фактларни аниқлашнинг воситаси бўлиб хизмат қилади, масалан, ҳодиса жойидаги транспорт воситасидан қолдирилган тормоз изларини ўлчаш.

Эксперт ҳулосасининг тўғрилигини белгилаш мураккаб. Ҳулосага тўғри ва асосланган баҳо бериш учун унинг шакли, мазмуни, тузилиши таҳлил қилинади ва эксперт аниқлаган фактлар бўйича йиғилган бошқа далиллар билан таққосланади.

Эксперт ҳулосаси бошқа далиллар билан тасдиқланиши унинг тўғрилигига

ишонч пайдо қилади. Агар эксперт ҳулосаси ишдаги далилларга (ёки уларнинг айримлари) мос келмаса, бу мос келмаслик қайта экспертиза ўтказиш ёки тергов ҳаракатлари орқали бошқа далилларни текширишга асос бўлади.

Эксперт ҳулосасидаги яқун аниқ ва лўнда бўлиши шарт, уларни турли тарада таққин қилишга йўл қўйилмайди. Ҳулосанинг яқун қисми тушунарли бўлиб, содда тилда баён этилган ва таққин этиш учун махсус билимларга эҳтиёж туғилмаслиги керак.

Сўнгги вақтларда суд экспертлик фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирларига қаратилган Президент ва Ҳукуматнинг бир қатор қарорлари

қабул қилинди. Мазкур соҳани келгусида янада ривожлантириш, мавжуд суд экспертлик йўналишлари бўйича етакчи хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибаларини кенг татбиқ қилиш, янги экспертиза йўналишларини очиш, экспертиза муассасасида яратилган меҳнат шaroитлари, замонавий илмий-услубий ва моддий-техник база, малакали кадрларни танлаш ва тайёрлаш, уларни касбий малакаларини тизимли ошириб бориш, қўлланмаётган экспертлик услубларининг илмий асосланганлиги ва ишончлигини ошириш бўйича мақсадли илмий тадқиқотларни ўтказиб бориш каби аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб берилмоқда.

### ҲОЗИРДА МАРКАЗНИНГ САТЭ ЛАБОРАТОРИЯСИДА 4 ТА ИХТИСОСЛИК:

- йўл-транспорт ҳодисаларини математик усуллар билан тадқиқот қилиш экспертизаси;
- транспорт воситаларини ва уларнинг қисмларини баҳолаш экспертизаси;
- суд-транспорт баҳолаш экспертизаси;
- транспорт ишхunosлиқ экспертизаси турлари бўйича тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда ва 2019 йилнинг дастлабки 9 ойи давомида жами 1760 та экспертиза тадқиқотлари олиб борилди. Лабораторияда амалга оширилаётган ҳар бир экспертиза тадқиқоти асосли, ҳолисона ва тўлиқ ҳажмда олиб борилиши, мазкур жараёнга суд экспертлик амалиёти ҳамда фан-техниканинг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш бўйича амалий тавсиялар бериб боришда лабораториянинг кўп йиллик иш тажрибасига эга ходимларидан бош эксперт М.Маҳкамов ва етакчи экспертлар Р.Саматов, Қ.Умидиллаевларнинг илмий-услубий ёндашувлари, маслаҳатлари алоҳида ўрин тутиб келмоқда.

### Ёрқин АДАШЕВ,

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза Маркази иш ўрганувчи экспертиза

### ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Шайхонтоқур тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 27.02.2019 йилда 693362 реестр таъриб рақами билан рўйхатдан ўтган Шайхонтоқур тумани, Самарқанд дарвоза, Турк шога бери кўчаси, 11-А-йи манзилда жойлашган “ROSSLESS” хусусий корхона таъсискорларининг 2019 йил 22 октябрдаги қарорига асосан тугатилади. Давлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қорхона почта манзилга бўйича қабул қилинади. ИВН: 306 190 060.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 01.02.2018 йилда 571712 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Буюр кўчаси, 24-йи манзилда давлат рўйхатдан ўтган “SHIMON PLAZA” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305 265 655) таъсискорларининг 2019 йил 22 октябрдаги 2-сонли йилги илмий қарорига асосан тугатилади. Давлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (71) 256-47-65, (98) 363-66-10.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 02.11.2016 йилда 008577-03 реестр рақами билан давлат рўйхатдан ўтган “HUSAN SHOX FARM” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304 402 818) думалоқ муҳри ва штампни йўқотганлиги сабабига бекор қилинади. Тел.: (99) 996-19-91.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани “Ягона дарча” маркази томонидан 12.09.2017 йилда 542744 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Таппимаркент кўчаси, 416-йи манзилда давлат рўйхатдан ўтган “MAX IDEAL” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305 056 384) таъсискорларининг 2019 йил 24 октябрдаги 1-сон йилги илмий қарорига асосан тугатилади. Давлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (99) 830-32-32.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани “Ягона дарча” маркази томонидан 16.02.2017 йилда 4724 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Таппимаркент кўчаси, 14-йи манзилда давлат рўйхатдан ўтган “SARDOR GREAT BUSINESS” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304 655 614) таъсискорларининг 2019 йил 21 октябрдаги 2-сон қарорига асосан тугатилади. Давлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (90) 974-97-90.

Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси юрисконсулти Акмал Турабовга акиси Қосим ТУРАБОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

**ИНСОН ҚОНУН**

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.inijust.uz

ISSN 2010-7897

9 772010 789008

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқулов Анвар Жўрабоевич

Рабиёев Шерзод Миржалилович

Тожиёв Фурад Шомуродович

Искандаров Ёрбек Нурбекович

Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган кўлемли тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Навбатчи:** Гулҳаё Нурметова

**Саҳифаловчи-дизайнер:** Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа жойиди уйда чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 9811

Буортма — V-3860

Тошириш вақти — 19:00

Тоширилди — 02:20

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

**Обуна бўлими: 277-02-57**

Баҳоли келишилган нарда

1 2 3 4 5

## Интернет ишқибозларининг болалари НЕГА ИНТЕРНЕТДАН ТАКИҚДА?..



АНГЛИЯ қироллигининг шахзодаси тўрт ёшли Жорж мактабга борди. У Лондондаги шахсий мактаблардан бирида тахсил олади. Оммавий ахборот воситалари шахзодага илм берадиган "Tomas's Battersea" мактаби ҳақида маълумот берди. Масалан, таомномада тез тайёр бўладиган овқатлар йўқ. Болаларни фақат иссиқ таомлар билан сийлашар экан. Энг қизиги, бу мактабда компьютер ва гаджетлардан фойдаланишга рухсат этилмайди.

ITнинг фикрича, компьютерлар болаларнинг ижодий имкониятини чеклайди, шунингдек, олға интилишга қўймайди. Энг ёмони, диққатини ҳам ўғирлайди.

"Таълим бу — одамга хос туғуларни ҳис қилиб, яшаш тажрибасини ўрганиш, дейди педагог-новатор Пол Томас. Савод чиқаришу фикрлаш қобилиятининг ўсишида технология фақат халал беради ва боланинг диққатини чалғитади, холос".

Энг қизиги, дунёнинг бадавлат одамлари болаларини эскича усулда ўқитадиган мактабларга ўқишга бериб, ўзини замондан орқада қолган, деб ҳисобламайди, аксинча, улар гаджетга қўл бўлмаган, мустақил фикрлаш қобилиятига эга фарзанд ўстириб, келажак учун қайғурмоқда.

Ақлли одамлар "замонавий"ларидан бошқачароқ йўл тутади. Бутун дунё одамлари ҳали гапириб улгурмаган боласини кўтариб, интернет атрофида парвона бўлаётган бир пайтда техника ихтирочилари фарзандига компьютер ҳақида тасаввур уйғотишни ҳам маълум кўрмайпти. Селикон водийсидаги ихтирочиларнинг фарзандлари "Waldorf of the Peninsula" (Уолдорф ярим ороллари) номи мактабда тахсил олишади. Мазкур илм даргоҳининг биноси АҚШдаги бошқа иморатлардан эскилиги билан ажралиб туради. Масалан, синф хоналарига кирсангиз, кўз олдингада ўтган асрнинг 50-йиллари намён бўлади. Эски ёғоч парталар, доска, рангли бўр ва қадимий китоблар... Ҳеч қандай планшету компьютерлардан асар йўқ. Бу мактабинг болалари интернетдан маълумот изламайди, аксинча, китоб ва варақ титкилаб илм ўрганади. Китоб, дафтлардан ташқари, қалам, бўёқ, қоғозли алифбо, ўқув адабиётлари ҳар бир ўқувчининг ўқув қуроли саналади. Мактаб ўқувчиларининг ҳеч бири гаджетлардан фойдаланмайди. Болалар бундай имкониятдан нафақат синф хонасида, балки уйда ҳам маҳрум этилган.

Бундан ўн-ўн беш йил аввал компьютер билимдонлари ҳам болалар тарбиясида худди шундай усулни қўллаб-қувватлаган эдилар.

Қудратли "eBay" корпорациясининг техник директори ўз фарзандини компьютерни йўқ мактабга олиб боради. Силикон водийсининг бошқа гигантлари: Google, Apple, Yahoo, Hewlett-Packardнинг энг кўп тулланадиган ходимлари ҳам иккиланиб ўтирмаздан шундай йўл тутти.

Бугун замонавий аёлларнинг бири: "Менинг болам икки ёшдан планшетда ўйнашни қотиради", деб мақтанса, иккинчиси: "Ўғлим 7 ёшда ютубда канал очди", деб унисидан ўтиб тўшмоқчи бўлади. Ҳамма ёлпасига фарзандини компьютер ва интернет тармоқлари ривожланган, шароити зўр мактабга беришга ҳаракат қилади. Унда "Ручка билан ёзиб ўргатишга не ҳождат? Чиройли ҳусниҳат, деб ўқитувчилар бошни қотиради. Бундай талаблар эскириб бўлди-ку! Янги замон ўқувчисига янгича талаб қўйиш керак", дейдиган ота-оналар орамизда жуда кўп. Бу гаплари билан улар анъанавий таълим тизимига очиқ-ойдин эътироз билдиришяпти. Баъзилари эса: "Нега ўтган асрда яшаб ўтган шоирнинг шеърини ёдлашга болани мажбурлайсиз? Ундан кўра, уларга компьютерда дастурлаш сирларини ўргатсангиз, нур устига аъло нур бўлар эди", дейди.

Бироқ бугунги шиддатли замон ёшларининг ҳулқи ва саводхонлик даражаси "замонавий ота-оналар" ўзини-ўзи алдаётганини кўрсатмоқда.

• Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади.

Эълон

## "САЙЛОВ — 2019" ВИДЕОРОЛИКЛАР ТАНЛОВИГА СТАРТ БЕРИЛДИ!



**Танлов ташкилотчилари:** "Тараққиёт стратегияси" маркази, Марказий сайлов комиссияси, Халқаро матбуот маркази, Халқаро пресс-клуб.

**Лойиҳа мақсади:** сайлов жараёнига ёшларни кенг жалб этиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва барчани сайловда овоз беришга чақиритиш.

**Иштирокчилар:** ёшдан қатъи назар барча профессионал ва ҳавасқор ижодкорлар қатнашиши мумкин.

**Тили:** ўзбек, рус ва инглиз тиллари.

**Талаблар:** сайлов ва унинг инсонлар ҳаётига таъсири ҳақида креатив, таъсиричан ва замонавий ёндашув акс этган ҳамда давомийлиги 2 дақиқагача бўлган видеоролик тайёрлаш.

Танловга планшет, шахсий компьютер, мобил телефон ва бошқа воситалар орқали тайёрланган видеороликлар ҳам қабул қилинади.

**Формат:** AVI, MP4, MOV, MPEG.

**Жанрлар:** танловга исталган жанрдаги видеоматериаллар: сахналаштирилган, ҳужжатли, анимацион, мусиқий ва бошқа жанрдаги ишлар қабул қилинади.

Аризалар 2019 йилнинг

**15 ОКТЯБРИДАН 15 НОЯБРИГА ҚАДАР**

"Тараққиёт стратегияси" маркази офисидида ҳамда [info@strategy.uz](mailto:info@strategy.uz) электрон почтаси ва телеграмдаги расмий канали [t.me/dscuzbekistan](https://t.me/dscuzbekistan) орқали қабул қилинади.

**ТАНЛОВ НОМИНАЦИЯЛАРИ:** **МУКОФОТ ПУЛЛАРИ:**

1. Энг яхши сахналаштирилган видеоролик;
2. Энг яхши анимацион видеоролик;
3. Энг яхши инфорацион видеоролик;
4. Муҳлислар эътирофини қозонган видеоролик.

- 1-ўрин учун  
10 МИЛЛИОН СЎМ;
- 2-ўрин учун  
7 МИЛЛИОН СЎМ;
- 3-ўрин учун  
5 МИЛЛИОН СЎМ.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўриб чиқилади ва баҳоланади.

### Реклама ўрнида

Юртбошимизнинг ташаббуси билан чекка ҳудуд, олис қишлоқларда бунёд этилаётган обод манзиллар дилларга ўзгача шуқуҳ, қувонч бағишламоқда. Ким ўйлабди дейсиз, Самарқанд шаҳридан 100 километр олисдаги Нуробод даштларида замонавий, бугунги кунга хос ва мос болалар боғчаси бунёд этилиши? Навоий кон-металлургия бошқармаси оталиғида бўлган ушбу мактабга таълим муассасаси дашт одамларига соғва қилинади, деганларида Тошбўри-ю, Эгамбердилар дўпписини осмонга отгани чинга айланди. Шу элнинг кексаларию катта-кичиги маслаҳат қилиб, болажонлар масканига ўзимизнинг урф-одатимиз, миллий қадриятларимизни инobatта олган ҳолда кўз тегмасин, деб "Кўзмунчоқ" номини қўйишди. Тўқсондан ошган, қадамлари тетик, гапга чечан Норой мома кўлини дуога очиб: "Юртнинг қаттаси барака топсин, азиз боши омон бўлсин, менинг учта неварам, иккита чеварам шу боғчага бораепти, бу ердаги шароитни қўриб, саҳий инсонлар шаънига кўп дуо қилдим". Момонинг атрофида юзлаб қафтлар дуога кўл очдилар...

Биз эртак айтаётганимиз ёки матал тўқитганимиз йўқ, борини айтаямиз холос. Ишонаверинг, Нурободнинг дашт ҳудудидида бугунги авлод ана шундай боғчада тарбияланмоқда. Бугун бу ердаги болажонлар она тилимиздан ташқари рус ва инглиз тилларини ҳам ўзлаштирмоқда.

— Яқинда Президентимизнинг топшириғига кўра, илгари Навоий кон-металлургия комбинати жанубий кон бошқармаси тасарруфида бўлган, лекин бугунги кунда фаолият кўрсатмаётган 80 ўринли болалар боғчасини туман ихтиёрига олиб бердилик, — дейди "Кўзмунчоқ" болалар боғчаси мудираси Ҳанифа Холиқуллова. — Бу эса туманимиз аҳолиси, айниқса, болажонларимиз учун катта соғва бўлди. Яна бир қувончи томони шундаки, Навоий кон бошқармаси маъмурияти ушбу таълим масканини капитал таъмирлаб, замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаб берди. Барча хоналарга иқлимни мўътадил ушлаб турадиган совутиқлар қўйилган. Хоналар кенг, ёруғ. Мусиқа, кутубхона ҳар хил турдаги спорт тўғарақлари, бассейн, инглиз, рус тили тўғарақлари мавжуд. Болажонлар қатъий тузилган таомнома асосида овқатланади. Боғча тарбиячиларининг жонбозлиги туфайли таълим масканига келган болага 3 ой рус тили ўргатилади. Ундан кейинги



## "Кўзмунчоқ" қа КЎЗ ТЕГМАСИН!

таълим-тарбия ва мулоқотлар фақат рус тилида олиб борилади.

— Туманимизда 9 та давлат тасарруфидаги боғча мавжуд, — дейди Нуробод туман мактабгача таълим муассасаси мудираси Диловар Амирова. — Жорий йилда давлат дастури асосида Урта Бўз, Олға қишлоқларида ҳар бири 160 ўринли болалар боғчаси қўриб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Бошқудук, Оқсой, Арабхона фуқаролар йиғини ҳудудидида ҳар бири 360 ўринли давлат ва хусусий шериклик шаклидаги таълим муассасалари қурилиши бошлаб юборилди. Туманимиз худуди Андижон вилояти билан тенг. Махалла ва қишлоқлар бир-биридан анча олисда жойлашган. Шу туфайли туманда оилавий боғчалар ташкил қилишга катта эътибор бераямиз. Шу йилнинг 10 январь кунини давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида мен шахсан сўзга чиқиб, у кишидан туманимизда бола қамрови камлиги бунинг сабаби эса боғчалар этишмаётганлигида эканлиги ва шунинг учун боғча-бинолари қуриш учун ёрдам сўраб мурожаат қилганим. Мурожаатимни инobatта олган Юртбошимиз тумандан анча олис Саҳоба қишлоғида 75 ўринли, Қиличчи қишлоғида 100 ўринли болалар боғчасини қуриш борасида мутасадди ташкилотларга топшириқ берди. Бугун мана шу ерларда қурилиш ишлари олиб бориламоқда. Яна бир гап. Президентимизнинг гамхўрлиги туфайли узок тоғли ҳудуд ва чўл зоналари аҳолиси учун бадал тўловларидан имтиёз берилди. Яъни, биз-

нинг туманимиз аҳолиси учун бадал пули 50 фоиз қилиб белгиланган.

— Фарзандларимиз тарбиясини унинг билими ва онгини ривожлантиришга бугун эътибор бермасак эртага кеч бўлади, — дейди Нуробод туман нурунийлар кенгаши раиси Абдурахмон Шарипов. — Дунё тамаддунидан ортада қоламиз. Олис чорвадорлар юртига ҳам у киши катта эътибор бераепти. Очиғи, шу пайтгача чўпоннинг боласи номига ташкил этилган боғчаларга қатнаган, кўпчилик қишлоқларда боғча ҳам бўлмаган, бунини яшириб бўлмайди. Бугун аҳвол бошқача. Яқинда мен "Кўзмунчоқ" болалар боғчасига набираларимни жойлаштириш мақсадида бориб, кўзим қувониб кетди. Бу боғча эмас шохлар саройи экан. Обод, кўркам, озода икки қаватдан иборат бу масканда болажонлар яйраб дам олиб, пухта билим олмоқда.

— Мен Навоий шаҳридан хизмат тақозосига кўра, Нурободга кўчиб келган эдим, — дейди Наташа Иванова. — Дастлаб, бийдай дашта кўчиб келганим ҳамда фарзандларимнинг келажagini барбод қилдим, деб хафа бўлган эдим. Йўқ, хато қилган эканман. "Кўзмунчоқ" боғчасини қўриб, хангу манг бўлиб қолдим. Очиғи, бундай боғча Тошкентда ҳам йўқ...

Ҳа, чорвадорлар юрти Нурободдаги "Кўзмунчоқ" болалар боғчасини келиб кўрсангиз, биз айтган гапларга ўзингиз амин бўласиз.

Азим ҚОДИРОВ,  
"Инсон ва қонун" муҳбири